

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИРОВ РАМИЗ ТУРДИМУРОДОВИЧ

**ОИЛАДА АВЛОДЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ:
АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Зоҳиров Рамиз Турдимуродович

Оилада авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлаш: анъанавийлик ва
замонавийлик3

Зоҳиров Рамиз Турдимуродович

Укрепление отношений между поколениями в семье: традиционность и
современность19

Zokhirov Ramiz Turdimurodovich

Strengthening of relations between generalions in family: traditional character
and contemporaneily35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИРОВ РАМИЗ ТУРДИМУРОДОВИЧ

**ОИЛАДА АВЛОДЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛАШ:
АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида 2019.1.PhD/Fat269 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарин Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (рэвонме)) Илмий Кенгаш
веб-сahифасида (www.fy-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида
(www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Норкулов Суҳроб Дусмуратович
фалсафа фанлари доктори

Расмий оппонентлари:

Хусейинова Аббира Амановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Низинова Оюлда Джамаитдиновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ўтказчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий
даражалар берувчи DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__»
_____ кунин соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри,
Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21,
(99871) 246-02-24 e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий
фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174,
Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. УЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона.
Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



Н.А.Шермухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

У.А.Маҳкамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, фалсафа
доктори (PhD)

Г.Т.Маҳмудова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, фалсафа фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобаллашув ва модернизация жараёнлари оила институти кадриятларининг ўзгаришига таъсир этмоқда, оилаларда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият равнақига муносиб ҳисса қўшиш, меҳнатини кадрлаш учун шароит яратилмоқда. Хотин-қизларнинг нафақат оилада, балки жамиятда ҳам ижтимоий фаол бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда оилаларда аёлларни камситиш, зўравонлик қилиш, диний хурофотга мойиллик ҳам ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан оила барқарорлигига эришиш, уларда анъанавийлик ва замонавийликнинг мутаносиблигини таъминлашнинг янги механизмларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида оиланинг жамиятда ижтимоий институт сифатидаги мавқеи, эр ва хотиннинг ўзаро муносабатларини ўрганиш, фарзанд тарбиясида анъанавий ва замонавий кадриятларга риоя қилишига эришишнинг йўллари аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларда замонавий оилалардаги ижтимоий муаммолар ва ажралишларнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф қилишнинг механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда анъанавийлик ва замонавийликнинг мутаносиблигига амал қилиш балан бир қаторда оила аъзоларининг гендер тенглигини таъминлаш, кексаларга эҳтиром, болалар тарбиясига ота-оналарнинг масъулиятини оширишда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. 30 ёшгача бўлган оилаларга имтиёзли кредитлар, арзон ва қулай уйлар ажратилмоқда, маҳаллаларда “Ёш оилалар мактаби”, “Келинлар институтлари” ташкил этилмоқда. Айни пайтда оилавий низолар ва ажралишларнинг кўрсаткичлари ҳам ошаётганлиги боис, Ўзбекистонда оилаларда анъанавий ва замонавий кадриятларнинг мутаносиблигини таъминлашда ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат, тушуниш каби ахлоқий меъёрларга амал қилишига эришиш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги, 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланиши I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий–маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оила институтининг генезиси, халқ, миллат ҳаётидаги ўрни инсоният тарихининг буюк мутафаккирлари ижодида очиб берилган “Авесто” муқаддас китобида эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги ғояси илгари сурилган, фарзанд тарбиясига оила аъзоларининг масъуллиги очиб берилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу-билиг” пандномаси, А.Фитратнинг “Оила”, “Раҳбари нажот” асарларида оиланинг тартиблари, эр ва хотиннинг бурч ва масъулиятига оид ғоялар илгари сурилган. Хориж олимлари А.Банфи, П.Бьюкенен, Ж.Вико, Ж.Деррида, Т.Карлейль, Э.Кассирер, К.Мангейм, Г.Маркузе, М.Мид, Ф.Ницше, Г.Риккерт, Леви Сросс Клод, А.Смит, Г.Спенсер, Э.Тайлор, Тейер де Шарден, В.Франк, Ж.Фрезер, М.Фуко, Й.Хайзинга, А.Швейцер, К.Ясперс ва бошқалар оиланинг инсоният цивилизациясидаги аҳамиятини, оила энг аввало, авлодлараро ворисийликнинг кафолати эканлигини асослаган¹. МДХ, хусусан, Россия тадқиқотчилари Б.Г.Ананьев, С.А.Арутюнов, С.Н.Артановский, М.М.Бахтин, Н.А.Бердяев, А.Н.Бистрова, А.Я.Гуревич, В.Е.Давидович, С.Е.Десницкий, А.Жураковский, Ю.Н.Ерасов, Н.С.Злобин, В.Иванов, И.Кон, В.Ж.Келле, Н.А.Кисляков, М.Я.Ковальзон, В.М.Межуев, А.П.Назаретян, В.Я.Пропп, А.Ровнер, В.М.Розин, К.В.Султанов ва бошқалар оила социологияси ва психологияси доирасида оила аъзоларининг ўзаро мулоқоти ва дунёқарашига таъсир этувчи омилларни асослаган².

Марказий Осиё давлатларида оилавий қадриятларга амал қилиш механизмларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, қозоғистонлик олима Д.Сабинова “Оиланинг бадиий дунёси Қозоғистон адабиётида”, тожикистонлик олима Н.Имомова “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг оилавий-ҳуқуқий воситалари”, қирғизистонлик олима А.Усубалиева “Қирғизистонда оила-никоҳ муносабатларининг трансформацияси” мавзусида диссертация ҳимоя қилган.

Ўзбекистон файласуф олимлари М.Холматова, Х.Шайхова, И.Саифназаров, Ф.Саифназаровалар оиланинг ижтимоий институт

¹ Қаранг: Семья. Книга 1. – Москва: Изд. Полит лит-ры, 1990; Семья. Книга 2. – Москва: Изд. Полит лит-ры, 1990; Философия любви. Т.1. – Москва: Изд. Полит лит-ры, 1990; Философия любви. Т.2. – Москва: Изд. Полит лит-ры, 1991; Вейнинггер О. Пол и характер. – Москва: Феникс, 1998; Юрчук В.В. Мужчине о женщине: жизнь, общение или искусство оставаться в дураках. – Минск: ИООО, Совр. слово, 1997; О любви и красотах женщины: Трактаты о любви эпохи Возрождения. – Москва: Республика, 1992.

² Қаранг: Ананьев Б.Г. О проблемах современного человеказнания. – Москва: Наука, 1997; Арутюнов С.А. Народы и культуры: развитие и взаимодействие. – Москва: Наука, 1989; Бромлей Ю.В. Подольный Р.Г. Создано человечеством. – Москва: Политиздат, 1984; Гердеев Н.А. Философия первенства: письма к недругам по социальной философии // Русское зарубежье, Лениздат, 1991; Великие женщины XX века. – Москва: Мартин, 2002; Алимасов В. Гендер фалсафаси. – Тошкент: ФҲЧ, 2008; Харчев А. Социология семьи. – Москва: Наука, 1996.

сифатидаги аҳамиятини, О.Мусурмонова, Ф.Отахўжаев, К.Хамраевлар оилада бола тарбиясининг таълим сифатини аниқлашдаги ўрнини, А.Саидов, Э.Бобомурадов, А.Мунавваровлар оила аъзолари ҳуқуқларининг ҳимояси, улар тенглигининг кафолати эканлигини очиб берган³.

Хориж давлатлари, МДХ, Марказий Осиё ва Ўзбекистон олимлари илмий ишларининг таҳлили, уларнинг оила институтининг жамият барқарорлиги, авлодлараро ворисийликни таъминлашдаги аҳамиятини очиб берганлиги аниқланди, бироқ бу илмий ишларда анъанавий ва замонавий кадриятлар диалектикаси етарли асосланмагани боис, ушбу диссертацияда оилада анъанавий ва замонавий кадриятлар диалектикасини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши Давлат университетининг “Юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва жамиятни модернизациялашда олий таълимнинг ўрни” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янгиланаётган Ўзбекистон оилавий муносабатларида анъанавий ва замонавий кадриятлар мутаносиблиги авлодлараро ворисийликни таъминлаш омили эканлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оиладаги иқтисодий барқарорлик ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлаш мезони эканлигини асослаш;

оила аъзоларини гендер тенглигига эришиш ўзаро ҳурмат, садоқат омили эканлигини очиб бериш;

фарзанд тарбиясида уч авлоднинг иштирокини таъминлаш оилада анъанавийлик ва замонавийлик мутаносиблигига эришиш воситаси эканлигини исботлаш;

оила аъзоларида демократик ислохотларга даҳлдорлик туйғусини шакллантириш, «ўз уйингни ўзинг асра» ғоясининг амалиётга жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистондаги ижтимоий – маданий, ахлоқий жараёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини оилавий муносабатларда замонавий ва анъанавий кадриятларга амал қилиш механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, умумийликдан хусусийликка ўтиш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги:

оила аъзоларининг хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши оиланинг иқтисодий ва ижтимоий-маънавий барқарорлигини таъминлашнинг асосий

³ Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертация охиридаги "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати"да келтирилган

механизми эканлиги асосланган;

оилада гендер тенглигининг таъминланиши оила аъзоларининг жамият тараққиётининг фаол иштирокчиси бўлиш, шахс сифатида камолотга эришиш ва розилик туйғусини шакллантириш омили эканлиги исботланган;

фарзанд тарбиясида авлодлараро ворисийликка эришиш, миллий кадриятлардан замонавий оила муносабатларини шакллантиришда фойдаланиш, оила аъзоларининг доимий бандлигини таъминлаш оилавий фаровонлик омили эканлиги асосланган;

ёш оилалар учун ажратилаётган имтиёзлар янги Ўзбекистон ёшлари дунёқарашида меҳнатнинг рағбатлантирилиши, анъанавийлик ва замонавийлик муносабати эришишнинг зарурлиги ишонч механизми эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек оилаларида авлодалараро ворисийликни таъминлашда “қариси бор уйнинг париси бор” ғояси асосида қарияларга эътибор берилишининг ёшларнинг ўзаро муносабатида садоқат ва меҳрни тарбиялашга асос бўлиши очиб берилган;

ёш оилаларнинг мустақил яшаши учун шароитлар яратилишининг авлодлараро ворисийлик ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш механизми сифатида амал қилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оилаларда авлодлараро ворисийликни таъминлашнинг фарзанд тарбияси, миллий кадриятларнинг давомийлигини таъминлаш, ўзаро хурмат, меҳр-оқибатга амал қилиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш, оилавий кадриятларга оид стартап илмий лойиҳалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлар ходимларининг оиладаги эр ва хотин, фарзандларнинг жамиятда ижтимоий фаоллигини ошириш, оилавий муносабатларда анъанавийлик ва замонавийлик муносабати эришишда муомала маданиятига таянишга оид маърузаларида, “оилавий кадриятлар” нинг аҳамиятини оширишга бағишланган кўрик танловларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Оилада авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлаш: анъанавийлик ва замонавийлик” тадқиқоти натижаси асосида:

оила аъзоларининг хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши оиланинг иқтисодий ва ижтимоий-маънавий барқарорлигини таъминлашнинг асосий механизми эканлигига оид таклифлардан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан чоп этилган “Оилада

авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари” номли илмий монографиядан “Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаблари” фаолиятини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2020 йил 17-апрелдаги 01-11/238-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар оилаларда ўзаро сабр тоқатли бўлиш, келин-куёвнинг муаммоларини ўзаро ҳамжихатликда бартараф этишида ижобий кўрсаткичга эришишига хизмат қилган.

оилада гендер тенглигининг таъминланиши оила аъзоларининг жамият тараққиётининг фаол иштирокчиси бўлиш, шахс сифатида камолотга эришиш ва розилик туйғусини шакллантириш омили эканлиги хусусидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонининг ижросини таъминлашда, оила аъзоларини иш билан таъминлаш, хусусий тадбиркорлик субъектлари сифатида фаолият олиб бориши учун имтиёзли кредитлар ажратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 02-09/1777-сонли маълумотномаси). Натижалар ўзбек оилаларида эр-хотин муносабатларида ўзаро тушунишга эришиш, ота-оналарни ҳурмат қилишга, фарзандларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларда миллий кадриятларга амал қилиш, ажримларнинг олдини олишга йўналтирилган амалий фаолиятга хизмат қилган.

фарзанд тарбиясида авлодлараро ворисийликка эришиш, миллий кадриятлардан замонавий оила муносабатларини шакллантиришда фойдаланиш, оила аъзоларининг доимий бандлигини таъминлаш оилавий фаровонлик омили эканлиги хусусидаги таклифлардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан “Yoshlar–kelajagimiz” ва “Барчаси ўз қўлингда” декадаси доирасида ўтказилган ўқув-тренинг, давра суҳбатларида фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги 04-13/2895-сонли маълумотномаси). Натижалар жамият аъзоларининг мафкуравий иммунитетини юксалтиришга, хусусан, ёшлар қалбида оилавий анъаналарга содиқлик, соғлом турмуш тарзига амал қилишнинг самарали услубларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

ёш оилаларга берилаётган имтиёзлар янги Ўзбекистон ёшлари дунёқарашда меҳнатнинг рағбатлантирилиши, анъанавийлик ва замонавийлик мутаносиблигига эришишнинг зарурлиги ишонч механизми эканлигига оид амалий тавсиялар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Оила-муқаддас даргоҳ”, “Мустаҳкам оила-юрт таянчи”, “Соғлом оила-соғлом жамият” мавзуларидаги кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 11 декабрдаги 01-11-1285-сонли маълумотномаси). Натижалар оила барқарорлигини таъминлаш, фарзанд тарбиясида катта авлод ўғит ва насихатларига амал

қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 20 та республика илмий - амаллий анжуманларидаги маърузаларда баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларида 9 та мақола (5 та республика ва 3 та хорижий журналларда, 1 та ҳаммуаллифликда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация кириш, уч боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган Олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишларнинг сони, диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Оила институти илмий ва ижтимоий фалсафий тадқиқотлар объекти”** деб номланган бўлиб, оила жамият ривожланишининг муҳим таркибий қисми, ижтимоий барқарорлик омили сифатидаги аҳамияти билан очиб берилган.

Илмий назарий концепциялар ва адабиётларда оиланинг микрожамият сифатидаги йўналишлари қуйидаги белгилари орқали ёритилган:

- оила субъектлари;
- оила аъзолари;
- оила демографияси;
- оилавий ҳуқуқ;
- оила иқтисодиёти;
- оила мавқеи;
- оила динамикаси;
- авлодлараро муносабатлар.

Диссертант фикрича, оила субъектлари деганда расмий никоҳ асосида турмуш қурган эр-хотинни назарда тутилади. Эр-хотин оиланинг ядроси ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси инсониятнинг давомийлигини таъминлаш, шахслараро жинсий муносабатларни тартибга солиш,

шахслараро ижтимоий муносабатларда меҳр-оқибат, инсонийликни шакллантиришдан иборат. Оила никоҳга асосланади ва у оила аъзоларидан юқори масъулиятни талаб қилади.

Оила демографияси нафақат оила аъзоларининг, балки давлат бошқаруви даражасида назорат қилинади, чунки бу жараён миллат юксалишининг ифодасидир. Инсоннинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаши, меҳнатнинг самаралари билан руҳланиши учун, унинг ёнида маънан яқин кишилар керак. Бу унинг фарзандларидир. Ҳаёт маъносини, умр мазмунини фақат бадий бойликлар яратишга айрим кишиларгина қодир, халқнинг, миллатнинг қолган 99,999 % уларни фарзандларида, меросхўрларида кўради. Шундай экан, диссертант фикрича, оила демографияси ушбу азалий қадрият нуқтаи назаридан ташкил этилиши, бошқарилиши керак.

Оиланинг микрожамият экани унинг жамият амал қиладиган ҳуқуқий меъёрларга, социал нормаларга ва талабларга риоя этганида намоён бўлади. Оила ҳуқуқлари жамият бошқаруви тизимида белгиланади, ўзининг ички ҳаёти ва ташқи алоқаларини мазкур қадриятлар орқали олиб боради.

Оила иқтисодиёти ёки оила хўжалик ҳаёти авлодлараро муносабатларнинг ўзагини ташкил этади. Оилани зарур маблағлар, ноз-неъматлар ва озиқ овқатлар билан таъминлаш, уй-жойга эга бўлиш, уни сақлаш учун маблағ ажратиш, болалар тарбияси ва камолотига сарфланадиган моддий маблағлар авлодлараро муносабатлардаги барқарорлик омили ҳисобланди. Бозор иқтисодиёти реал воқеликка айланаётган ҳозирги пайтда оила субъектлари хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишига шароит яратилаётгани, “Ҳар бир оила тадбиркор” концепцияси асосида аҳолининг турли қатламларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг меҳнат қилиши учун шароит яратилмоқда.

Диссертацияда оилаларнинг ижтимоий мақоми таснифланган:

- эр-хотин (якка оила);
- эр-хотин ва уларнинг фарзандлари (тўлиқ оила);
- эр-хотин ва уларнинг ота-оналари (жуфт оила);
- эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ҳамда фарзандлари (ўрта оила);
- эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ҳамда бобо-момолари (навбатдаги ўрта оила);
- эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, бобо-момолари ҳамда фарзандлари (катта оила).

Мустақиллик йилларида оила ва уни ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари бўлганини 1997 йилни “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йилни “Оила йили”, 1999 йилни “Аёллар йили”, 2000 йилни “Соғлом авлод йили”, 2001 йилни “Оналар ва болалар йили”, 2002 йилни “Қарияларни қадрлаш йили”, 2003 йилни “Обод маҳалла йили”, 2005 йилни “Сихат саломатлик йили”, 2006 йилни “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, 2007 йилни “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2010 йилни “Баркомол авлод йили”, 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши ҳам тасдиқлайди. Ҳар бир йилда оила институти ва ундаги

авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган махсус давлат дастурлари ҳам қабул қилиниб, уни амалга оширишга бутун фуқаролик жамияти ва унинг институтлари, моддий ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш тизимлари, таълим тарбия ўчоқлари жалб қилинган. Оилани қўллаб-қувватлашда “Соғлом авлод учун”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Экосан”, “Маҳалла”, “Нуронийлар”, “Болалар”, “Умид”, “Меҳр кўзи” каби жамғармалар, халқаро уюшмалар фаол қатнашган.

2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси миллий тараққиётнинг янги босқичига ўтди. Ш.М.Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида” (2018 йил 2 февраль)ги Фармони, “Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” (2018 йил 27 июнь)ги Қарори биз учун фундаментал аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Оила ва ўзбек оилаларида авлодлараро муносабатлар”** деб номланган иккинчи бобида ўзбек оилаларида авлодлараро муносабатлар миллийлик ва умуминсонийлик, икки авлодли (нуклеар) оилалардаги авлодлараро муносабатлар, кўп авлодли оилалардаги янгиланишлар ва уларнинг авлодлараро муносабатларга таъсири тадқиқ этилган. Ўзбек оилаларидаги авлодлараро муносабатлар маълум бир ижтимоий ўзакка қурилгани очиқ берилган. Бу ўзак қуйидаги белгиларда намоён бўлади:

- оила бутунлигини, яхлитлигини асраш;
- репродуктив ва демографик анъаналарга риоя этиш;
- оилада шаклланган иерархияга риоя этиш;
- ижтимоий маконда оила мавқеини мустаҳкамлаш;
- дифференциация (бўлиниш) ва конфедерация (бирлашиш) функцияларини бажариш;
- авлодлараро муносабатларни этноанъана сифатида қадрлаш.

Ўзбек халқида орият, оила шаънини сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек бирор нарсага қўл уришидан олдин ёки оиласига тааллуқли бирор хатти-ҳаракатни содир этишидан олдин унинг ўзи ёки оиласи обрўсига қанчалик таъсир этишини кўз олдига келтиради. Агар шу хатти-ҳаракат ўзининг ёки оиласининг обрўсини тўкса, унга путур етказса, у шу хатти-ҳаракатдан, ҳатто у унга катта зарар етказса ҳам, воз кечади. Бу ўринда ўзбек халқининг ўз анъаналарига, тарихий маданий тажрибаларига содиқлиги кўзга ташланади.

Фарзанд кўриш, халқ, миллат бўлиб яшашнинг шартидир. Ўзбек халқида хос қадриятлардан бири болажонликдир. Репродуктивлик, демографик барқарорликни таъминлаш, ҳаёт маъносини фарзандлар тарбиясида, уларнинг камолотга эришишида кўриш ўзбек оиласининг олийжаноб анъаналаридан биридир. Ўзбек халқ дostonлари, эртаклари ва мақолларида фарзандлилик идеал ҳаёт тарзида улуғланади.

Фарзандлар авлодлараро муносабатларнинг давомчилари сифатида оилавий анъаналарни келгуси авлодларга етказиш вазифасини бажаради. Фарзандларнинг кўплиги авлодлараро муносабатларнинг барқарор давом этишини, кенгайишини, миллий анъаналар билан уйғунлашишини белгилайди. Уларнинг бир-бирлари билан алоқалари миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлашуви, бир-бирига интеграциялашуви омилидир.

Ўзбек оилаларидаги эр-хотин муносабатлари ислом дини қоидалари асосида шаклланганлиги билан ажралиб туради. Демак, оила бошлиғи одатда эркакдир. Оиладаги кадриятлар ўзаро меҳр муҳаббат ва ҳурмат муҳитини шакллантиришга, каттани ҳурмат ва кичикни иззат қилиш тамойилига, эзгу ниятларга ва авлодлараро муносабатларнинг давомийлигини таъминлашга қурилади. “Оиладаги ота-оналар, бобо ва момо, ҳаттоки катта ёшдаги акалар ҳамда сингилларнинг ўзаро муносабатлари оиланинг бошланғич жамоа сифатидаги ҳаёт тарзини ва ўзига хосликни вужудга келтиради. Яхши, мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатлар ва ота-оналарнинг болалари билан маънавий яқинлиги, болаларининг ички дунёсини сезиш, қизиқишлари ва интилишларини олдиндан билиши, ғамхўрлик қилиши ва бошқалар оилавий муносабатларни ташкил этишнинг, тарбиянинг муҳим хусусиятларидир”⁴. Умуман, исломий кадриятларда отани улуғлаш тангрини улуғлаш тарзида талқин қилинади. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳ қилиш билан баробардир⁵.

Оила мавқеини асраш авлодлараро муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутди. Оила аъзолари уйдаги осойишталик, фаровонлик, аҳиллик, меҳр муҳаббат пировард натижада оила мавқеига таъсир этишини билладилар. Диссертацияда оиладаги анъанавийлик ва замонавийлик динамикасини аниқлаш мақсадида социологик сўровнома ўтказилган. Масалан, “Лоторея ўйинида “Шевролет” енгил машинаси ютиб олдингиз, унинг ўзини олиб миносизми ёки ота-онангиз маслаҳати билан пулини оласизми?” деган саволга респондентларимизнинг 62 % “ота-онам билан маслаҳатлашиб кўраман”, 21 % “бунақа омад менда юз бермаган, шунинг учун бир нима дея олмайман”, 15 % “ўзим минаман”, деб жавоб қайтарган. “Ота-онам билан маслаҳатлашиб кўраман” деб жавоб берганларнинг ярмидан кўпи (53%) турмуш қуриш арафасида эканини, ота-онасига моддий ёрдам бериш зарурлигини эътироф этадилар. Улар никоҳ тўйи учун катта сарф харажат кетишидан, бу борада иложи борича ота-онасига ёрдам беришни кўзлаётганлари маълум бўлади. Қолган респондентлардан 23 % турмуш қурганини, аммо ота-онаси моддий ёрдамига муҳтож эканини очиқ эътироф этадилар. Шунинг учун улар, агар омади чошиб шундай енгил машина ютиб олса, аввало ота-онасига, миннатдорчилик рамзи сифатида уларнинг эҳтиёжларига сарфлашни кўзлашишини маълум қилдилар. “Ўзим минаман” деган 15 % респондентлар ўзини етарли даражада бадавлат сезадилар, улар, ота-оналарим менинг моддий ёрдамимга муҳтож эмас, деган фикрга

⁴ Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. 86 б.

⁵ Алибеков С.А. Маънавиятимиз дурдоналари. - Тошкент: ЎзДЖТУ, 2003. 60 б.

мойилдирлар. Демак, оила мавқеи, ота-оналар ҳақида қайғуриш ҳар доим ҳам респондентлар қизиқишлари ва хатти-ҳаракатларида устувор ўринда туравермайди. Бу ўринда айрим ёшларда эгоизм, ўз қайфиятини ўйлаш юқори келади. “Ўзим минаман” деб жавоб берганларнинг 87 % 30 ёшгача бўлган ёшлардир.

Диссертант ўтказган социологик сўровдаги “Оилангиз неча авлодли?” деган саволига респондентларнинг 59 % уч (бобо- момо, эр-хотин ва уларнинг оила қурмаган фарзандлари), 29 % икки (эр-хотин ва уларнинг оила қурмаган фарзандлари), 3 % тўрт (катта бобо-катта момо, бобо-момо, эр-хотин ва уларнинг оила қурмаган фарзандлари) ва 2 % бир (эр-хотин) авлодли, деб жавоб беради. Жавоблардан маълум бўладики, бугунги оилалар асосан икки уч авлодлидир. Тўрт авлодли оилалар кўпроқ қишлоқ жойларида, катта оила сифатида, бир ва икки авлодли оилалар эса асосан шаҳарларда учрайди. Замонавий кўп қаватли уйларнинг кўпаётгани оилалардаги авлодлараро муносабатларга ҳам таъсир этаётгани кузатилади. Чамаси, бундан кейин икки авлодли оилалар сони янада ошади.

Ота-она билан ўғил болалар ўртасидаги авлодлараро муносабатлар патерналистик хусусиятларга эга. Анъанавий муҳитда, жамиятда ўғил болани мард ва олийжаноблик руҳида тарбиялаш, оғир жисмоний меҳнатга, ўзини ва яқинларини ҳимоя қилиш, ташқи хавф хатарни бартараф этиш, ботир, чаққон ва довжорак бўлишга ўргатиш анъанавийликнинг ифодасидир. Қийинчилик ва мураккабликлар орқали ожизани, оиласини, ватанини севиш ўғил болалардан талаб қилинадиган фазилатлардир.

Ўзбек нуклеар оилаларида қизлар тарбияси билан асосан она (аёл) шуғулланади. Онанинг ҳаёт тажрибаси, ҳаётга, ён атрофга, эркакка муносабати қизлар томонидан синовдан ўтган, тайёр, тақлид қилса бўладиган тажрибалар сифатида қабул қилинади. Аммо замонавий оилаларда қизлар мустақилроқ фикрлашга, ўз ҳаёт йўлини ўзлари топишга интилаётгани ҳам кўзга ташланади. Ўтказилган социологик тадқиқотларда оилавий муносабатлар иерархияси аниқланган. Масалан, “Оилангизда асосан кимнинг гапига кўпроқ кулоқ солишади?” деган саволимизга “Ҳаммамиз тенгмиз” деб жавоб берган (12 %)ларнинг деярли 8 % ни, “Онамнинг” деб жавоб берган (11 %)ларнинг 7 %ни турмуш қурмаган қизлар ташкил этади. Бу бир томондан, қизларимизнинг дунёда, ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган гендер ўзгаришлардан яхши хабардор эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, улар ўз тақдирини, келажагини ўзлари ҳал қилишга тайёргарлик кўраётганларини билдиради. Тўғри, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган гендер ўзгаришлардан хабардор юриш бошқаю қарши жинсдан тенглик талаб этиб ўзини кўрсатиш бошқа. Бироқ бугун қизларимиз интернет орқали танишиб эфиопиялик, белгиялик, германиялик, англиялик, америкалик, эронлик, ҳатто австралияликларга турмушга чиқаётгани реал воқеликлардир. Ота-она билан қиз болалар муносабатларида бундай интернационализмни махсус тарғиб этиш кузатилмайди. Аммо қизларимиз чет эллик тенгдошлари билан олий ўқув юртларида ёки интернет орқали танишиб, бир бирларини ёқтириб оила

кураётгани ростдир. Бундай муносабатлар бундан кейин янада кенгайиши мумкин, чунки чет тилларни, айниқса инглиз тилларини ўрганишга берилаётган катта эътибор фақат маърифий соҳа билан чекланиб қолмайди, улар оилада янги, ноанъанавий муносабатларни шакллантириши шубҳасиздир.

Бугун кўп авлодли оилалар айрим чекка, қишлоқ жойларида учрайди. Респондентларимизнинг атиги 3 % тўрт авлодли оилада яшашларини билдиришади. Шунинг учун баъзи тадқиқотчилар бундай оилага ва ундаги авлодлараро муносабатларга ноёб этнографик манба сифатида қарашади. Республика ижтимоий фикрни ўрганиш “Ижтимоий фикр” марказининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти билан биргаликда ўтказган социологик сўровномаси натижалари кўрсатадики, бугун уч авлодли оила оилалар тизимида иккинчи ўринда туради. Мазкур кузатишларга кўра, 2009 йили эр ва хотиндан иборат оила 3,4 % ни, 2011 йилда 3,6 % ни, ота ва она ёки улардан бири билан фарзандлардан иборат оила, ўша йиллар тартибида, 62,7 % ва 58,1 % ни, ота ва она, фарзандлар билан бободан иборат оила 2,5 % ва 2,9 % ни, ота ва она, фарзандлар билан момо 5,4 % ва 8,6 % ни, она ва фарзандлардан иборат оила 5,6 % ва 5,3 % ни, ота билан фарзандлардан иборат оила 0,4 % ва 0,6 % ни, яқка яшаётган аёллар 0,1 ва 0,6 %ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, нуклеар оила етакчи ўринни, яъни 60 % дан зиёдни ташкил этади. Иккинчи ўринда уч авлодли оила туради. Мазкур катта оила, сезиларли даражада бўлмасада, 16,7 % дан 17,4 % га ўсиш хусусиятига эга⁶. Диссертант ўтказган социологик кузатувларида уч авлодли оила етакчилиги (59 %) қилади, икки авлодли оила ундан кейин (29 %) келади.

Катта ва кекса авлоднинг бўлгани оилага ва унда кечадиган авлодлараро муносабатларга таъсир этади. Бунинг сабаблари турличадир:

- оилавий анъаналарни, айниқса авлодлараро муносабатлар узлуксизлигини таъминлаш ва асраш;
- инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш;
- инсон ҳуқуқлари талабларига риоя этиш;
- иқтисодий омиллар;
- болалар, неваралар, чеваралар тарбияси билан шуғулланиш;
- катта авлод олдидаги бурчларни адо этиш;
- ёш авлоднинг ижтимоийлашуви кабилардир.

Авлодлараро муносабатлар нафақат оила муҳитида, шунингдек, оила институтига таъсир этувчи кенг ижтимоий ҳуқуқий маконда ҳам кечади. Бу маконда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид нормалар устувордир. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида авлодлараро муносабатлар аниқ белгилаб берилган. Асосий Қонуннинг 64-моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мужбурдирлар”, 65-моддада “Фарзандлар ота-оналарнинг насл насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар”,

⁶ Қаранг: Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистонда оила. -Тошкент: 2012. 76 б.

66-моддада эса “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” деб кўрсатилган⁷. Авлодлараро муносабатларни бундай ижтимоий ҳуқуқий нормалар билан белгилаб қўйиш анъаналарни рад этмайди, балки ижобий характерга эга алоқаларни давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Диссертациянинг “**Диахрон муносабатларда анъанавийлик ва замонавийлик муаммолари**” деб номланган учинчи бобда анъанавий кадриятларнинг оилавий муҳитни барқарорлаштиришдаги ўрни, Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси ва диахрон муносабатларнинг замонавийлашиш хусусиятлари, замонавий оила модели: илк изланишлар, назарий ишланмалар, амалий тавсиялар таҳлил қилинган.

Диахрон муносабатлар динамикаси кўрсатадики, оила қанчалик кўп авлодли бўлса, ундаги кадриятлар ва бу кадриятларга муносабатлар шунчалик ранг-баранглашади, ҳатто кўпгина кадриятлар мутлак модернизациялашиб, бошқа кўринишларга ўтади. Икки авлодли оилаларда мавжуд анъаналарни регуляция қилиш, маълум бир тартибларда, нормалар доирасида ушлаб туриш мумкин, аммо кўп авлодли оилаларда бу вазифа маълум бир тўсиқларга, айниқса ҳозирги ахборотлашган жамиятда учрайди, турли зиддиятларни, низоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

Ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларнинг оилавий кадриятлар ва муҳитга таъсир этиши жараёнида анъанавийлик ва замонавийлик муаммоси пайдо бўлади. Оиладаги ижтимоий муносабатлардаги барқарорлик, турли зиддиятлар диахрон муносабатларни ўзгартиради, меҳр, оқибат қаҳр ва ғазаб билан алмашади. Бироқ ўзбек оиласидаги ижобий жиҳатлардан бири шундаки, у анъаналардан авлодлараро муносабатларни ва оилавий муҳитни мустаҳкамлашда фойдалана олади. Бу аввало ўзбекона оила дипломатияси билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда қабул қилинган оилани мустаҳкамлаш концепциясида қуйидаги вазифалар белгиланган:

оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикчиликни кучайтириш;

замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш;

демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш;

оиланинг тарбиявий таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий кадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий ахлоқий муҳитни яхшилаш;

оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш⁸. Мазкур вазифаларнинг ҳар бири оила институти ҳаётини, ундаги авлодлараро муносабатларни, маънавий

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 21-22 б.

⁸ Қаранг: Соғлом оила жамият ривожланишининг асоси // Халқ сўзи, 2018, 6 июль.

ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва янгилашга хизмат қилади. Концепцияда янги оила моделини яратиш вазифа қилиб қўйилган.

ХУЛОСА

Ўтказган илмий назарий ва ижтимоий фалсафий изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Оила институтининг генезиси, шаклланиши этнологик ва этносоциал аҳамиятга эга жараёнлардир. Халқ, миллат шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган этнологик ва этносоциал омиллар аввало оила институтига таъсир этган, унинг институционал шаклланишини белгилаб келган. Ўзбек халқи этногенези ва этномаданияти оилага миллий, этник хусусиятлар бахш этган, уни бошқа этник бирликлардан фарқловчи белгиларини вужудга келтирган. Бу белгилар аввало авлодлараро муносабатларда, бу муносабатларнинг оиладан жой олишида ва этноснинг бутун борлиғини белгилаб келишида намоён бўлади. Авлодлараро муносабатлар шунчаки алоқалар ифодаси эмас, улар халқ, миллат шаклланишини ифода этадиган парадигмал хусусиятга эга воқеликдир. Бу муносабатларнинг ўзгариши этногенез ва этномаданиятнинг ўзгариши, уларнинг ассимиляциялашуви халқнинг, миллатнинг ассимиляциялашуви демакдир.

2. Оила институти микрожамият сифатида ўзида ижтимоий муносабатларни ифода эттиради. Лекин у жамиятнинг бир қисми, улар ўртасидаги алоқалар бутун билан қисм ўртасидаги алоқалардир. Бутундаги институционал, функционал ва парадигмал ўзгаришлар ўз навбатида оилада ҳам шундай ўзгаришларни келтириб чиқаради. Аммо оила ўз анъаналари ва асрлар давомида шаклланган, кишилар турмуш тарзи, хўжалик маданияти, онги ва менталитетидан жой олган анъаналар, урф-одатлар ва маросимлардан осонгина воз кечмайди. Гоҳо ижтимоий тузум ўтказадиган сиёсий, иқтисодий ва структуравий ислохотлар ҳам оилавий анъаналарни ўзгартиролмаслиги мумкин. Демак, ижтимоий омиллар қанчалик детерминистик хусусиятга эга бўлмасин, оилада ўзининг тарихий маданий парадигмасини, меросини асровчи ўзак мавжуд. Бу ўзак халқ, миллат борлиғига сингган, этномаданиятнинг ядросига айланган, шу боис ҳам уни парчалаш, йўқ қилиш мушкул.

3. Оила ва оилавий анъаналарнинг барқарорлиги авлодлараро муносабатлар орқалидир. Авлодлараро муносабатлар интравертив ва экстравертив хусусиятларга эга воқеликлар ҳисобланади. Уларнинг ички (интравертив) ва ташқи (экстравертив) алоқалари оиланинг икки, уч ёки тўрт авлодли бўлишига таъсир этади. Лекин экстравертив алоқалар оиладаги муносабатларни чексиз даражада, бутун жамият ёки давлат миқёсида кенгайтишини аниқламайди. Бу муносабатлар оила институти эъзозлайдиган этномаданий ўзак ва анъаналар доирасидадир.

4. Ўзбек оилаларидаги авлодлараро муносабатларда бир томондан, миллийлик, иккинчи томондан, умуминсонийлик мужассамдир. Бир-бирини

севиш, ардоқлаш, бир-бирига ёрдам бериш, аҳил бўлиб яшаш, оила мавқеини ва анъаналарини асраш, катталарни ҳурмат кичикларни иззат қилиш, аёлни эъзозлаш, эркакка алоҳида ҳурмат кўрсатиш, қиз бола тарбиясида аёллар маданиятига таяниш кабилар миллийлик сифатида намоён бўлади. Ўз навбатида ушбу миллийлик негизида умуминсонийлик ҳам ётади.

5. Икки авлодли (нуклеар) оилалардаги авлодлараро муносабатларни ташкил этувчи, регуляция қилувчи субъектлар ота ва онадир. Ўзбек оилаларида ҳам ажралишлар кўпаяётгани кузатилса-да, фарзандлар беқарор, бошпанасиз, кимсасиз қолишмайди. Бу ўринда ўзбек халқига хос болажонлик намоён бўлади.

6. Кўп авлодли оилалар асосан уч ёки тўрт авлодли бўлиб, улар ўртасидаги муносабатларни ташкил этувчи, регуляция қилувчи кекса авлод (катта бобо-катта момо ёки бобо-момо) ҳисобланади. Бундай оилаларда ота-она ва уларнинг оила қурмаган фарзандлари кекса авлод кўрсатмаларига, истакларига ёки маслаҳатларига мувофиқ яшашга, турмуш юритишга, уй-жой қилишга интилишади. Ўрта авлод бир томондан, ўзининг ота-онасига, иккинчи томондан, ўз фарзандларига хизмат қилишни ўз зиммасига олади. Функционал нуктаи назардан айнан улар оилавий муносабатларнинг ядросини ташкил этиб келади. Лекин анъаналар, ахлоқ, урф-одатлар нуктаи назардан оилавий муносабатларни регуляция қилувчи кекса авлоддир. Бундай уч авлодли оилаларда ажралиш камроқ.

7. Оила институтини мустаҳкамлаш авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлаш демакдир. Бунга аввало миллий анъанавий қадриятлар орқали эришилади. Миллий анъанавий қадриятлар оилавий муҳитни барқарорлаштирувчи омил сифатида оилада аҳиллик, иттифоқ, бир-бирини қўллаб-қувватлашни ҳаёт тарзига айлантиради.

8. Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси амалга оширилаётган туб янгиланишлар модернизациялаш, интеграция ва инновацион ривожланишнинг таркибий қисмидир. Оилавий муносабатлар давлат сиёсати, ижтимоий ҳаёти, маънавий руҳи таъсирида такомиллашади. Авлодлараро муносабатлар моҳияти ва йўналишлари давлат сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир.

9. Янгиланаётган Ўзбекистонда “Янги оила модели”ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш муҳим вазифа этиб белгиланди. Шу боис, янги замонавий оила моделини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш” вазирлиги ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида оилавий муносабатларда анъанавийлик ва замонавийликнинг мутаносиблигини таъминлаш, оилавий низоларни бартараф этиш, фарзандлар тарбиясида кекса авлод ўғитларига амал қилиш бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда. Буни ривожлантириш учун, аввало илмий амалий изланишлар ўтказишни давом эттириш, янги типдаги оила моделини экспериментал синаб кўриш, хорижий тажрибаларга қиёслаш ва улардан фойдаланишни тақозо этади.

**УЧЁНЫЙ СОВЕТ - DSc.30.12.2019.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЗОХИРОВ РАМИЗ ТУРДИМУРОВОВИЧ

**УКРЕПЛЕНИЕ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ПОКОЛЕНИЯМИ В СЕМЬЕ:
ТРАДИЦИОННОСТЬ И СОВРЕМЕННОСТЬ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.1.PhD/Fal269.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.fs-ik.uz) и на информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Норкулов Сухроб Дусмуратович
Доктор философских наук

Официальные оппоненты:

Хусейнова Абира Амановна
Доктор философских наук, профессор

Нишанова Озода Джамалитдиновна
Доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета DSc.30.12.2019.F.01.05 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана в ___ часов «___» _____ 2020 года. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национальный университет Узбекистана, 5-й этаж, комната 511, Тел.: (99871) 227-22-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (Зарегистрирована под №___). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4, Административный корпус НУУз, 2-й этаж, комната 4. Тел. (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 г.
(протокол №__ от «___» _____ 2020 г.)

Н.А.Шермухамедова

Председатель научного совета, по
присуждению ученых степеней
д.ф.н., профессор

У.А.Махкамов

Учёный секретарь научного совета, по
присуждению ученых степеней,
д.ф. (PhD)

Г.Т.Махмудова

Председатель научного семинара
при научном совете
по присуждению ученых степеней
д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Процессы глобализации и модернизации в современном мире сильно влияют на изменение ценностей института семьи, в семьях создаются условия для защиты прав женщин, их достойного вклада в процветание общества и высокой оценки труда. Особое внимание уделяется тому, чтобы женщины были социально активны не только в семье, но и в обществе. В то же время в семьях усиливается тенденция к дискриминации, насилию, религиозному принуждению женщин. С этой точки зрения достижение стабильности семьи, создание новых способов обеспечения соразмерности традиционного и современного в них имеет первостепенное значение.

В ряде научно-исследовательских институтов и центров мира проводятся научные исследования по определению положения семьи в обществе как социального института, изучению взаимоотношений между мужем и женой, определению путей достижения соответствия традиционным и современным ценностям в воспитании детей. В этих исследованиях взгляд на социальные проблемы в современных семьях и необходимость выявления причин разводов, разработка механизмов их устранения признаются одной из актуальных задач.

В обновляемом Узбекистане на уровне государственной политики уделяется внимание обеспечению гендерного равенства членов семьи, уважению к пожилым людям и повышению ответственности родителей за воспитание детей наряду с соблюдением соразмерности традиции и современности. Семьям в возрасте до 30 лет выделяются льготные кредиты, строятся доступные и комфортабельные дома, в сходах граждан организуются "Школа молодых семей", "институты невест". В то же время, поскольку показатели семейных конфликтов и разводов также растут, достижение взаимного уважения, терпения и понимания в обеспечении соразмерности традиционных и современных ценностей в семьях Узбекистана является одним из важных вопросов.

Указы Президента Республики Узбекистан 2017 года от 7 февраля "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" за номером ПУ-4947, 2018 года от 2 февраля "О мерах по совершенствованию деятельности по поддержке женщин и укреплению семьи" за номером ПУ-5325, Постановление Президента Республики Узбекистан 2018 года от 27 июня № ПП-3808 "Концепция укрепления института семьи", Постановление № ПП-4602 от 18 февраля 2020 года "Об организации деятельности Министерства по делам махалли и семьи Республики Узбекистан", а также другие нормативно-правовые акты по данной тематике в определенной степени служат выполнению задач настоящего диссертационного исследования.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертационное исследование

посвященное республиканскому развитию науки и техники соответствует приоритетному направлению “Морально-нравственные и культурные принципы развития правового демократического государства и гражданского общества формирование инновационной экономики”.

Степень разработанности проблемы. Генезис института семьи, роль в жизни народа и нации раскрывались в трудах великих мыслителей истории человечества, в “Авесто”, раскрывалась идея равноправия мужа и жены, ответственность членов семьи за воспитание ребенка. В произведениях “Кутадгу-билиг” Юсуфа Хос-Хаджиба, “Оила”, “Рахбар нажоти” Фитрата выдвигаются идеи о порядке в семье, долге и ответственности мужа и жены.

Зарубежные ученые А.Банфи, П.Бьюкенен, Ж.Вико, Ж.Деррида, Т.Карлейль, Э.Кассирер, К.Мангейм, Г.Маркузе, М.Мид, Ф.Ницше, Г.Риккерт, Леви Сросс Клод, А.Смит, Г.Спенсер, Э.Тайлор, Тейер де Шарден, В.Франк, Ж.Фрезер, М.Фуко, Э.Фукс, Й.Хайзинг, А.Швейцер, К.Ясперс⁹, и другие обосновывали важность семьи в цивилизации человечества тем, что семья является прежде всего гарантией преемственности. Учёные из СНГ, в частности, российские исследователи Б. Г. Ананьев, С. А. Арутюнов, С. Н.Я. Артановский, М.М.Бахтин, Н.А.Бердяев, А.Н.Бистрова, А.Ю.Гуревич, В.Е.Давидович, С.Е.Десницкий, А.Жураковский, Ю.Н.Ерасов, Н.С.Злобин, В.Иванов, И.Кона, В.Ю.Келле, Н.А.Кисляков, М.Ю.Ковальзон, В.К.М.Межуев, А.П.Назаретян, В.Я.Пропп, А.Ровнер, В.М.Розин, К.В.Султанов и другие обосновали факторы взаимодействия и мировоззрения членов семьи в рамках социологии семьи и психологии¹⁰.

Проведена научно-исследовательская работа по определению механизмов действенности семейных ценностей в странах Центральной Азии. В частности, защитили диссертации на темы ученых из Казахстана Д.Сабилова “Художественный мир семьи в казахской литературе”, таджикский ученый Н.Имомова” Семейно-правовые средства защиты прав ребенка”, кыргызский ученый А. Усубалиева “Трансформация семейно-брачных отношений в Кыргызстане”.

Ученые философы Узбекистана М. Холматова, Х. Шейхова, И. Сайфназарова, Ф. Сайфназарова изучали значение семьи как социального института,

